**Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида 2025 йил бирчи чорагида коррупцияга қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида**

# УМУМИЙ ҲИСОБОТ

**I. Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани тўғрисида умумий ахборот**

Жамғарманинг 2021 йил 29 декабрдаги 31-сон буйруғи билан Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолияти йўлга қўйилган. Ички назорат тузилмаси фаолиятига оид идоравий ҳужжатлар ва Жамғарманинг коррупцияга қарши сиёсати тасдиқланган бўлиб, ушбу ҳужжатлар Жамғарманинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган.

Жамғармада коррупцион хавф-ҳатарлар ҳақида хабар бериш учун 5 та алоқа каналлари яратилиб, доимий фаолият юритилиши йўлга қўйилган.

Жамғарма фаолиятига оид молиявий ҳисоботлар ва молиявий кўрсаткичлари доимий равишда Жамғарманинг расмий веб-сайтида жойлаштирилиб, очиқилиги таъминланиб келмоқда.

Жамғарма фаолиятига оид хўжалик шартномалари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартиб-таомиллар асоссида амалга оширилиб, шартномалар махсус порталга жойлатирилиб келинмоқда.

Шунингдек, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун моҳиятини тушунтириш юзасидан тарғибот тадбирлари ўтказилиб, ходимлар эътиборига етказилиб келинмоқда. Бундан ташқари, ходимларни умиумий ва махсус ўқитишлардан ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида 10 нафар ходим умумий ўқитишдан ўтказилди.

**II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар**

Жамғармада коррупцияга қарши соҳасига тааллуқли бўлган қуйидаги ички идоравий ҳужжатлар тасдиқланган:

а) 2020 йил 22 декабрдаги 43-сон буйруқ билан:

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш регламенти;

б) 2021 йил 29 декабрдаги 31-сон буйруқ билан:

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолияти тўғрисидаги низом;

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати;

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти;

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом;

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома;

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида контрагентларни текширишга оид йўриқнома;

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома;

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида Коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти;

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом;

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламент;

c) 2022 йил 22 декабрдаги 34-сон буйруқ билан:

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом;

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг Одоб-ахлоқ комиссияси таркиби;

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Шунингдек, 2022 йил 27 декабрда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда уларга қарши курашишда ходимларнинг фаол иштироки учун рағбатлантириш тўғрисидаги тартиб тасдиқланган.

**III. Хавф-хатарларни баҳолаш**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётига асосан Жамғармада коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш ўтказилган.

Баҳолаш жараёнида Жамғарманинг барча 4 та функцияси баҳоланиб, коррупциявий хавф-хатарларнинг бартараф этиш чоралари белгиланди.

Жумладан, Жамғарманинг ҳисоб рақамларига келиб тушган маблағларни ҳисоби тўғри юритилишини таъминлаш. Тушумларнинг режага нисбатан бажарилишини таҳлил қилиб бориш, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларни ва устувор лойиҳаларни, корхона ташкилотларнинг тасдиқланган харажатларини молиялаштиришда қонунчилик ҳужжатларига оғишмай амал қилиш, ҳисобдорликни таъминлаш, ҳар чоракда Жамғарма Кенгашига ва Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ҳисобот бериб бориш, харажатларнинг шаффофлигини ва бюджет очиқлигини таъминлаш, коррупциявий ҳолатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларини ташкил этиш ва узликсиз ишлашини таъминлаш, Жамғармада давлат харидларини белгиланган тартибда амлага ошириш, бунда контрагентларни манфаатлар тўқнашуви бўйича таҳлил қилиш, давлат харидларни амалга ошириш билан боғлиқ шартномаларни махсус порталга жойлаш, асосий воситаларнинг ҳисобга олиниши ва ҳисобдан чиқарилишини белгиланган тартибда комиссия ишитирокида амалга ошириш, Жамғарманинг молиявий ҳисоботларини расмий веб сайтда эълон қилиш, Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини ўрганиш бўйича оралиқ ва якуний мониторинг тадбирларини тасдиқланган тартиб асосида ташкил этиш, Мониторинг натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномаларни Жамғарма раҳбариятига тақдим этиш каби чора тадбирлар белгиланди.

Ҳисобот даврида ушбу чора-чора тадбирларнинг ижроси таъминланиб, харажатларни молиялаштириш юзасидан қатий назорат ўрнатилиб, қонунчилик ҳужжатлари асосида молиялаштирилиб келинмоқда, Жамғарманинг тегишли буйруғи билан давлат харидларини ташкил этиш регламенти тасдиқланган бўлиб, давлат харидлари ушбу юриқнома ва амалдаги қонунчилик талаблари асосида ташкил этилиб,

тузилган шартномлара дархол махсус порталга жойлаб борилмоқда, Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини ўрганиш бўйича мониторинг ўтказиш тартибини белгиловчи идоравий ҳужжат тасдиқланиб, мониторинг тадбирлари ушбу тартиб асосида ташкил этилиб, мониторинг натижаси бўйича расмийлаштирилган далолатномалар раҳбариятга тақдим этилилиб борилмоқда.

Жамғарманинг молиявий кўрсатгичлари бўйича ҳисоботлари расмий веб сайтнинг "бюджет очиқлиги" рукни бўйича ҳар чоракда жойлаб борилмоқда. Шунингдек, коррупция ҳолатлари бўйича хабар бериш мақсадида 5 та алоқа каналлари ташкил этилган бўлиб, узликсиз ишлаши таъминланган. Жамғармада ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида 1 марта семинар ташкил этилиб, ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича билимлари оширилди. Ўтказилган ўқув семенарида Жамғарманинг масъул ходимлари иштирок этди. Шунингдек, ички назорат тузилмаси раҳбари давлат идораларида очиқликни таъминлаш бўйича ташкил этилган онлайн ўқув дастурида иштирок этди. Бундан ташқари, ҳисобот даврида 10 нафар ходим умумий 2 нафар ходим махсус ўқитишдан ўтказилди.

**IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар**

**Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш**

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг 2021 йил 29 декабрдаги 31-сон буйруқ билан "Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича" низом тасдиқланган.

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида 2025 йил биринчи чорагида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланмаган. Шунингдек, манфаатлар тўқнашуви бўйича мурожаатлар келиб тушмаган.

**Коррупцияга қарши қоидаларни Ташкилот шарномаларига киритиш**

2025 йилнинг биринчи чораги давомида Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси фаолиятига оид 6 та хўжалик шартномалари тузилган бўлиб, шундан 5 таси бўйича давлат харидлари махсус порталидаги электрон дўкон орқали амалга оширилганлиги сабабли, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида контрагентларни текширишга оид йўриқноманинг 7-бандига асосан контрагентлар текширилмаган. 1 та шартнома бўйича эса 3 та контрагент текширувдан ўтказилган.

Жамғарма фаолиятига оид хўжалик шартномалари давлат харидлари махсус портали орқали амалга амалга оширилиб, ғолиблар билан намунавий типдаги шартномалар тузилган.

Тўғрисдан-тўғри тузилган шартномаларда коррупцияга қарши курашишига оид қоидалар киритилган. Ушбу қоидалар контрагентлар томонидан рад этилмаган ҳамда коррупцияга оид сабаблар билан шартномалар бекор қилинмаган.

Ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидалар киритилган.

**Контрагентларни текшириш**

Ҳисобот даврида Жамғарма фаолиятига оид тузилган 5 та хўжалик шартномалари бўйича давлат харидлари махсус порталидаги электрон дўкон орқали амалга оширилганлиги сабабли, Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида контрагентларни текширишга оид йўриқноманинг 7-бандига асосан контрагентлар текширилмаган. 1 та шартнома бўйича эса 3 та контрагент текширувдан ўтказилган.

**Ишга номзодларни текшириш**

Жамғармага ҳисобот даврида ходимлар ишга қабул қилинмаган.

**V. Таълим ва коммуникация**

Жамғармада доимий равишда Жамғарма ходимларининг қонунчилик ҳужжатларининг мазмун моҳиятини тушунтириш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилиб келинади.

Барча ходимларга Ўзбекистон Республикаси Миллий қонунчилик базасидан онлаин тарзда фойдаланиш имконияти яратилган.

Ходимлар Адлия вазирлигининг телеграм ижтимоий тармоғидаги “Ҳуқуқий ахборот” каналига аъзо бўлиши таъминланган.

Шунингдек, қонунчиликдаги янгииклар телекоммуникация воситалари орқали ходимлар эътиборига етказилиб келинмоқда.

Ҳисобот даврида 10 нафар ходим умумий ўқитишдан ўтказилди.

**VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар**

Ҳисобот даврида ходимларнинг коррупциявий хатти-харакатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисида алоқа каналлари орқали хабарлар келиб тушмаган.

**VII. Мониторинг ва назорат**

Ходимларнинг коррупцияга қарши асосий талаблар ва тартиб-таомиллардан хабардорлиги юзасидан якуний мониторинг натижалари ҳамда ушбу талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат тадбирлари ўтказилган.

Ҳисобот даврида сменар ташкил этилиб, унда барча ходимлар қатнашган, Жамғарманинг барча ходимлари коррупцияга қарши сиёсат билан танишган. Танлов асосида сўралган 2 нафар ходим ушбу сиёсатдан хабардорлиги аниқланди.

**VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари**

Қоида бузарликлар аниқланмаган ва хабарлар келиб тушмаган.

**IX. Хулосалар**

Жамғармада коррупцияга қарши курашиш тизими ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилган. Ҳуқуқий асослари яратилган. Бугунги кунга қадар Жамғармада коррупцион ҳолатларга ва манфаатлар тўқнашувларига йўл қўйилмаган.

**X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси**

Кейинги ҳисобот даврида мониторинг ва назорат тадбирларини ўтказиш, Жамғарма ходимларни ўқитиш ва тарғибот тадбирларини янада ривожлантириш, корупцияга қарши курашишга оид ҳужжатларни Жамғарма расмий веб-сайтига жойлаб бориш таклиф этилади.

**Коррупцияга қарши**
**ички назорат тузилмаси раҳбари** **С.Худайназаров**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR VAZIRLIGI * RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI RIVOJLANTIRISH JAMG'ARMASI * DEVONXONA

# Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида ҳисобот

| | |
|---|---|
| **Корхона номи:** | Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси |
| **Ҳисоботни тайёрлаган ходим (Коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар):** | Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси раҳбари С.Худайназаров |
| **Ҳисобот даври:** | 2025 йил 1-чораги |
| **Ҳисобот тайёрланган сана:** | 2025 йил 3 апрель |

| Т/р | Тадбир | Натижалар |
|---|---|---|
| | **I. Сиёсатлар ва процедуралар** | |
| 1. | Ички ҳужжатларни мослаштириш | 2022 йил 22 декабрдаги 34-сон буйруқ билан:<br>Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари;<br>Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси<br>Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низом;<br>Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг Одоб-ахлоқ комиссияси таркиби;<br>Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган.<br>Шунингдек, 2022 йил 27 декабрда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда уларга қарши курашишда ходимларнинг фаол иштироки учун рағбатлантириш тўғрисидаги тартиб тасдиқланган. |
| 2. | Хавф-хатарли вазифа ва тартиб-таомиллар кесимида коррупциявий хавф-хатарларни камайтиришга оид янги коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ва чоралар ҳамда коррупцияга қарши масалаларни тартибга солувчи ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш. | 2025 йил 7 январда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг коррупцияга қарши курашиш Дастури тасдиқланган |
| | **II. Шахсий намуна** | |
| 3. | Жамғарма раҳбари ва унинг ўринбосарининг ички тадбирлардаги чиқишлари (нутқи). | Рақамли технологияларни ривохлантириш жамгармаси рахбарлари томонидан Жамгармада коррупцион холатларга йўл қўймаслик, унинг олдини олиш юзасидан муросасиз сиёсат олиб борилади.<br>Жумладна, Жамгарма раҳбарлари ходимлар иштирокида ўтказиладиган барча тезкор йиғилишларда коррупцияга муросасиз қарши курашиш борасида барча чораларни кўрриш, фаолиятни янада рақамлаштириш, ходимларни ўз вазифа ва функчиларини виждонан бажаришга ундаш, ушбу борадаги қонунчилик ҳужжатлари ва ички идоравий ҳужжатларда белгиланган талабларга оғишмай амал қилиш тўғрисидаги кўрсатмаларни бериб боради.<br>http://www.ictfund.uz/uploads/fbd85ea3-6c8d-2a15-c6bd-bfe6f23d13ca_media_.pdf<br>https://digital.uz/news/view/3816/ |
| 4. | Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ички коммуникацияни тарқатиш (Жамғарма раҳбари ва унинг ўринбосарининг номидан). | |
| 5. | Жамғарма раҳбари ва унинг ўринбосарининг ОАВдаги фикр-мулоҳазалари. | |
| | **III. Хавф-хатарларни баҳолаш** | |
| 6. | Жамғармада коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш ўтказиш | Жамғармада коррупциявий хавф-хатарлар бўйича ҳар йиллик баҳолаш 2025 йил 7 январда ўтказилиб, Хавф хатар харитаси ва улурни бартараф этиш чора тадбирлари тасдиқланган. |

| | | |
|---|---|---|
| 7. | Ҳисобот даври учун Жамғармада иш жараёнда янги аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва уларнинг даражалари (юқори, ўрта, паст). | Янги коррупциявий хавф-хатарлар аниқланмаган.<br>Жамғарманинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси илова қилинади. |
| 8. | Ҳисобот даврида аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни тартибга солиш бўйича амалга оширилган тадбирлар | 2024 йил 7 январда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг коррупцияга қарши курашиш Дастури тасдиқланган.<br>2022 йил 27 декабрда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари ҳақида хабар бериш, уларни рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ҳамда уларга қарши курашишда ходимларнинг фаол иштироки учун рағбатлантириш тўғрисидаги тартиб тасдиқланган. |
| 9. | Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони | Мавжуд эмас |
| 10. | Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар ўрта ва ундан паст даражагача камайтирилган аниқланган коррупциявий хавф-хатарлар сони | Жамғарманинг 4 та функцияси ўрта даражадан паст даражага камайтирилган |
| **IV. Коррупцияга қарши амалга ошириладиган тартиб-таомиллар** | | |
| 11. | Жамғармада аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ва қабул қилинган чоралар | Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг 2021 йил 29 декабрдаги 31-сон буйруқ билан “Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича” низом тасдиқланган.<br>Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасида ҳисобот даврида ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви бўйича декларациялар топширилмаган ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келмаган. |
| 12. | Ходимлар томонидан ҳар йили манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш. | 2025 йил учун манфаатлар тўқнашуви бўйича декларациялар 2024 йил декабрда топширилган.<br>Бугунги кунга қадар Жамғармада манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келмаган. |
| 13. | Ишга олинган ходимлар ва номзодлар устидан ўтказилган текширувлар сони. | Ҳисобот даврида ходимлар ишга қабул қилинмаган. |
| 14. | Ҳисобот даврида ўтказилган контрагентлар текширувлари сони | 2025 йилнинг 1-чораги давомида Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси фаолиятига оид 5 та хўжалик шартномалари бўйича давлат харидлари махсус порталидаги электрон дўкон орқали амалга оширилганлиги сабабли, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасида контрагентларни текширишга оид йўриқноманинг 7-бандига асосан контрагентлар текширилмаган. 1 та шартнома бўйича эса 3 та контрагент текширувдан ўтказилган. |
| 15. | Амалга ошириладиган бошқа коррупцияга қарши тартиб-таомиллар | Жамғарманинг 2021 йил 29 декабрдаги 31-сон буйруғи билан Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолияти йўлга қўйилган.<br>Жамғармада коррупцион хавф-ҳатарлар ҳақида хабар бериш учун 5 та алоқа каналлари яратилиб, доимий фаолият юритилиши йўлга қўйилган.<br>Жамғарма фаолиятига оид молиявий ҳисоботлар ва молиявий кўрсаткичлари доимий равишда Жамғарманинг расмий веб-сайтида жойлаштирилиб, очиқлиги таъминланиб келмоқда. |
| **V. Таълим ва коммуникация** | | |
| 16. | Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тренинглар ўтказиш:<br>барча ходимлар учун; | Ҳисобот даврида 10 нафар ходим умумий ўқитишдан ўтказилди. |

| | | |
|---|---|---|
| | коррупциявий таваккалчиликка энг кўпроқ мойилик эҳтимоли бўлган вазифаларни бажарувчи бўлинмалар учун. | |
| 17. | Жамғармага яқинда ишга олинган ходимлар учун тренинглар ўтказиш. | Ҳисобот даврида ходимлар ишга қабул қилинмаган. Ишга қабул қилинган ходимлар коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатлар билан таништирилган. |
| 18. | Ходимларнинг коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва бўлинмада амалга оширилаётган коррупцияга қарши чоралардан хабардорлигини оширишга оид бошқа тадбирлар | Ҳисобот даврида умумий ўқув семенар ташкил этилиб, ходимлар ички ҳужжатлар билан таништирилган. |
| 19. | Коррупцияга қарши кураш учун масъуллар томонидан бажарилган коррупцияга қарши кураш меъёрлари мавзусида ахборот- тарқатма материаллари. | Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолиятини ташкил этиш бўйича қўлланма.<br>Тақдимот материаллари. |
| 20. | Ходимларнинг ахлоқ-одоб маданиятини шакллантириш, уларни коррупцияга қарши кураш тизими ва коррупцияга қарши қонунчиликнинг талаблари ҳақида хабардор қилишнинг бошқа усуллари. | Жамғармада доимий равишда Жамғарма ходимларининг қонунчилик ҳужжатларининг мазмун моҳиятини тушунтириш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилиб келинади.<br>Барча ходимларга Ўзбекистон Республикаси Миллий қонунчилик базасидан онлаин тарзда фойдаланиш имконияти яратилган.<br>Ходимлар Адлия вазирлигининг телеграм ижтимоий тармоғидаги “Ҳуқуқий ахборот” каналига аъзо бўлиши таъминланган. |
| 21. | Фуқаролик жамияти ва бўлинма контрагентлари учун коррупцияга қарши тадбирларни ўтказиш | |
| **VI. Коррупциявий хатти-ҳаракалар ва қоидабузарликлар тўғрисидаги хабарлар. Таъсир чоралари** | | |
| 22. | Хатти-ҳаракатлар, шу жумладан, потенциал хатти-ҳаракатлар учун алоқа каналларига келиб тушган хабарлар сони | Коррупциявий хатти-ҳаракалар ва қоидабузарликлар тўғрисидаги хабарлар келиб тушмаган |
| 23. | Хизмат текшируви ўтказилган;<br>Коррупцияга қарши қонунчилик бузилганлиги тўғрисида тасдиқланган ҳолатлар (шу жумладан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мақолалар кесимида) аниқланган;<br>Бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланган (шу жумладан, ички ҳужжатлар кесимида);<br>Айбдорлар аниқланган ҳолатлар сони. | |
| 24. | Қабул қилинган таъсир чоралари. | |
| **VII. Мониторинг ва назорат** | | |
| 25. | Ҳисобот даврида мавжуд коррупцияга қарши курашиш талаблар, назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бажарилиши устидан текширувлар ўтказилганлиги | Ходимларнинг коррупцияга қарши асосий талаблар ва тартиб-таомиллардан хабардорлиги юзасидан якуний мониторинг натижалари ҳамда ушбу талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат тадбирлари ўтказилган.<br>Ҳисобот даврида икки марта сменар ташкил этилиб, унда барча ходимлар қатнашган, Жамғарманинг барча ходимлари коррупцияга қарши сиёсат билан танишган. Танлов асосида сўралган 2 нафар ходим ушбу сиёсатдан хабардорлиги аниқланди. |
| 26. | Бўлинмада белгиланган назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш ҳолатлари аниқланганми ва уларга нисбатан қўлланилган таъсир чоралари? | Назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллар бузилиш ҳолатлари аниқланмаган. |

**Коррупцияга қарши**
**ички назорат тузилмаси раҳбари** **С.Худайназаров**